

Эътироф ва мукофотлар муборак бўлсин!

Республика халқ таълими вазири Шерзод Шерматов вилоятимиздаги бир гурӯҳ фидоий устоз ва педагогларнинг шарафли меҳнатлари эътироф этиб, уларни мукофотлади.

Қувонарлиси, ана шундай эътирофга сазовор бўлганлар орасида 2 нафар тумандошимиз ҳам бор.

Жонкуяр устозимиз, Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчisi Одинахон Йўлдошева “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишони ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.



Шунингдек, айнан шу мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчisi, фаол блогер Исройлжон Тиллабоевга таълим соҳасидаги самарали меҳнатлари ва блогер сифатида ижтимоий тармоқларда таълим тизими ва соҳа фидойиларининг ишларини кенг тарғиб этишдаги фаоллиги учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташаккурномаси ва ноутбук совға қилинди.

Маҳоратли муаллима Одинахон Йўлдашеванинг соҳа ривожидаги [самарали хизматлари](#), моҳир педагог ва блогер Исройлжон Тиллабоевнинг [кувонарли натижалари](#) ҳақида аввал маълум қилган эдик.

Ўзбекистон туман ҳокимлиги муносиб эътироф ва мукофотлар билан азиз устозларимизни самимий муборакбод этади. Фидоий мураббийларимиз ва уларнинг шогирдлари эришган ҳар бир ютуқлари бизга ҳам доимо улкан фахр ва ифтихор бағишлашини яна бир бор мамнуният билан таъкидлаймиз. Уларнинг келгуси келгусидаги фаолиятларида ривож ва муваффақиятлар тилаймиз.